Majburiy bepul nusxa
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил 4 декабрь ШАНБА

№ 96 (12.316)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

## ҲУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши ҳуқуқий-демократик давлат тузиш йўлидаги энг муҳим қадам бўлди, дейиш мумкин. Асосий Қонунимиз инсон фаровонлигига хизмат қилувчи давлат қуришга йўналтирилган халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган тамойилларини ўз ичига олади. Масалан, асосий қонунимизнинг 13-моддасида демократиянинг умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият деб ҳисобланиши белгиланган. Демак, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам халқаро инсон ҳуқуқлари борасида тўпланган ижобий тажрибани ўзида мужассам этди.**

Конституцияни давлатимизни равнақ топтиришнинг мақсад ва истиқболларини белгилаб берган, унинг барқарорлиги ҳамда ижтимоий тараққиёти пойдеворига асос солган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари гарови бўлган бағоят муҳим, асосий сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат, дея таъкидлаш мумкин.

Янги Конституция бутун жаҳон бўйича тарихий конституциявий тажриба ва амалиётдан келиб чиқиб тайёрланди. У бирор бир тайёр андозадан кўчириб қабул қилинган эмас. Шу билан бирга Конституцияда республикамизда жорий этилган ва ҳаёт тажрибасидан ижобий ўтаётган янги конституциявий институтлар ўз аксини топган.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституциясини тайёрлашда АҚШ, Франция, Италия, Германия, Дания, Канада, Швеция, Испания, Португалия, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Туркия каби 30 га яқин мамлакатларнинг конституциялари чуқур ўрганилди. Шу боис айтиш мумкинки, Конституциямиз давлатимизнинг ўзига хос тараққиёт йўлини белгилаб туради.

Дарҳақиқат, Республика Президентининг "Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ" деган гапларининг аҳамияти нақадар катта эканлигини тушунамиз. Таъкидлаш жоизки, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси ёш янги давлатнинг ички ва ташқи сиёсати тамойилларини, унинг мустақиллигини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, фуқаролар учун яхши ҳаётни таъминлайдиган, барқарор маданий бозор муносабатларига ўтишни акс эттирадиган асосий қомус сифатида тан олинди. Ўз тараққиёт йўлини танлаб олган халқимиз учун Конституция янги эркин фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ишончли ҳуқуқий кафолати бўлиб қолди.

(Давоми 2-бетда).




## АСОСИЙ ҚОНУННИ ЎРГАНАМИЗ

*Вилоят давлат педагогика институтида 5500 талаба 22 та йўналиш бўйича таҳсил олмоқда. Талабаларда Конституцияни ўрганишга қизиқиш катта.*

*Шу сабаб институтда Конституцияга бағишланган давра суҳбатлари ва очиқ дарслар мунтазам ўтказилади.*

*"Миллий истиқлол ғояси, маънавият асослари ва ҳуқуқ" кафедраси катта ўқитувчиси Абдулла Қодиров 2-босқич талабалари билан ўтказган очиқ дарс ҳам қизиқарли бўлди.*

СУРАТДА: очиқ дарс жараёнида.

**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

## ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

**2 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасида Илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим имзоланди.**

Мазкур ҳужжат икки мамлакатнинг давлат идоралари, илмий-тадқиқот марказлари, олий ўқув юртлари ва хусусий компаниялари ўртасида фан ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришни назарда тутади. Ушбу лойиҳани амалга оширишдан мақсад – биргаликда икки мамлакатнинг илмий-техникавий имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, Ўзбекистон ва АҚШ илмий-техникавий ҳамжамиятлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, соҳада икки томон учун ҳам манфаатли ҳамкорликни қўллаб-қувватлашдан иборат. Ҳужжатда икки мамлакат ўртасида ахборот, тажриба ва технологиялар алмашуви, қўшма семинарлар, илмий конференциялар ва учрашувлар ташкил этиш, олим, эксперт ва бошқа техник мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, қўшма илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу илмий-техникавий ҳамкорлик энергетика, ахборот коммуникациялари, биотехнология, соғлиқни сақлаш, нанотехнология, қишлоқ ва сув хўжалиги, атроф-муҳит муҳофазаси каби соҳаларни ўз ичига олган.

Ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов ва АҚШ Давлат котиби Ҳиллари Клинтон имзолади.

**ЎзА.**

## ЭЪТИРОФ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислоҳотлар самарасида юртимиз банкларининг аҳоли, корхона ва ташкилотларга кўрсатаётган кредит ва лизинг хизматлари ҳажми кенгайиб бораётгани халқаро эътирофга сазовор бўлмоқда.**

Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида дунёнинг бир юз қирқдан ортиқ етакчи банклари вакиллари иштирокида ўтказилган "Bank of The Year Awards – 2010" тақдимот маросимида "Financial Times Limited" компанияси "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг "2010 йилдаги Ўзбекистоннинг энг яхши банки" номинацияси бўйича ғолиб, деб эълон қилди ва махсус сертификат билан тақдирлади.

"Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки хизматларининг бундай нуфузли компания ҳисоботида юқори баҳоланиши юртимизда банк-молия тизими барқарор ривожланаётганининг яна бир халқаро эътирофидир.

**ЎзА.**

## ФАОЛИЯТИМИЗ АСОСИ ВА ТАЯНЧИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишлаб, "Конституция – мамлакатни модернизациялаш ва баркамол авлодни тарбиялашнинг асосий таянчи" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари, ҳуқуқшунослар, маънавият тарғиботчилари, олимлар, ушбу академиянинг профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасида барча жабҳаларда эришган ютуқларимизда Конституциямизнинг қоида ва нормаларига амал қилиб яшаётганимиз муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди. Бу борадаги демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилган.

Давра суҳбатида мамлакатимизни модернизация қилиш ва янада демократлаштириш, баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида Конституциянинг ўрни ва аҳамиятига бағишланган маърузалар тингланди.

**ЎзА.**

## ХАЛҚАРО АНЖУМАН

**Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида "Саноатни автоматлаштириш учун интеллектуал тизимлар" мавзуида олтинчи халқаро анжуман бўлди. Унда мамлакатимиз ва Германия, АҚШ, Канада, Россия, Украина, Қозоғистон, Озарбайжон каби давлатларнинг профессор-ўқитувчилари, олимлар, ёш тадқиқотчилар, фундаментал, амалий, инновацион лойиҳалар ва хўжалик шартномалари доирасида бажариладиган илмий-тадқиқот ишларининг бажарувчилари, илмий ходимлари, саноат корхоналарининг мутахассислари ва иқтидорли талабаларнинг ишлари тақдим этилди.**

Анжуманда академик-олимларнинг интеллектуал бошқаришни назарий ва амалий ривожлантиришнинг баъзи тамойиллари, нефтни қайта ишлаш ва нефть-кимё жиҳозларида тежамкорлик тизимларини қўллаш истиқболлари, интеграл тенгламалар асосида динамик тизимларни математик моделлаштириш, ишлаб чиқаришда харажатларни камайтириш учун энергоменежмент ва интеллектуал тизимларда қарорлар қабул қилишнинг билимлар модели масалаларига бағишланган маърузалари тингланди.

Халқаро анжуман доирасида университетнинг Электроника ва автоматика факультетида "HONEYWELL" ўқув марказининг тақдимоти ҳам ўтказилди. Шуни айтиш жоизки, кейинги вақтларда ТошДТУнинг хориждаги нуфузи илмий тадқиқот муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари ривожланиши ва 2009 йилда "HONEYWELL PROCESS SOLUTION" халқаро компанияси ва ТошДТУ ўртасида битим тузилишига олиб келган эди. Унга мувофиқ, университет таркибида "HONEYWELL" компаниясининг жиҳозлари, аппаратлари ва дастурий воситалари билан таъминланган "HONEYWELL" ўқув маркази ва лабораториясини ташкил этиш назарда тутилган эди. Шунингдек, ушбу битимда университетни компаниянинг илғор техник воситалари ёрдамида ишлаш бўйича услубий йўриқномалари билан таъминлаш, ўқитувчиларнинг ўқиши ва малака ошириши, магистратура ва бакалавриат талабаларининг компания бўлинмаларида амалиёт ўтишларини ташкил этиш ҳамда университет битирувчиларини компанияга ва "HONEYWELL" системалари ишлатиладиган саноат корхоналарига ишга йўналтирилиши каби бир қатор масалалар ҳам назарда тутилган.

Ўқув маркази ва лаборатория "HONEYWELL" фирмасининг дастурий ва ўқув воситалари ҳамда техник қурилмалари билан тўла жиҳозланмоқда.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ,**
**ТошДТУ доценти.**

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

**Миллий қадриятларимиз орасида йигитлик шаъни ва ғурури деган тушунча алоҳида ўрин тутади. Ҳар бир ўзбек йигити оиласи ва Ватанини асрашни ўзининг муқаддас бурчи деб билади. Ватаннинг бўлажак посбонлари руҳан ва жисмонан соғлом, билимли ва албатта, бирор оммавий касбнинг бошини тутган бўлишлари мақсадга мувофиқдир. Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ана шундай йигитлар сафини кенгайтириш мақсадида фаолият юритиб келяпти, десак, муболаға бўлмайди.**

## ЁШЛАР – БИЗНИНГ УМИДИМИЗ

Ҳозир ташкилотнинг вилоят кенгаши тизимида 3 та автомобиль мактаби, 15 та шаҳар-туман кенгашлари фаолият кўрсатади. Ташкилот мамлакат Қуролли Кучлари ва халқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлаш, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Айни пайтда ўқув спорт-техника клубларининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича тўгараклар фаолиятини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилаётир.

Ҳозирги кунда вилоят кенгаши ташкилотлари 76 тага, аъзолари эса 1843 нафарга етди. Бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришда Ангрен ва Бекобод шаҳарлари, Бўстонлиқ, Қибрай ва Куйичирчиқ туманлари кенгашлари яхши натижаларга эришдилар.

2010 йилда вилоят ва республика мусобақаларига тайёргарлик кўриш яхши самара берди. Масалан, 2009 йилда республика мусобақаларининг 9 тасида иштирок этиб, 7 тасида юқори ўринлар эгалланган бўлса, 2010 йилда 18 тасида қатнашиб, 13 тасида юқори натижалар қўлга киритилди.

Ушбу ютуқларга эришишда Ангрен, Олмалиқ ва Янгийўл автомактаблари, Қибрай, Ўртачирчиқ ва Куйичирчиқ туманлари кенгашларининг ҳиссаси катта. Ташкилотлардаги спортчилар триатлон, ёзги биатлон, ўқ отиш, мотокросс, картинг ва модель турлари бўйича пешқадамликни қўлдан бермаяптилар. Бу йил 4 спортчи "Спорт усталигига номзод", яна 4 спортчи "1-тоифали спортчи" унвонларига сазовор бўлди.

2010-2011 ўқув йилида мамлакатимиз Қуролли Кучлари учун ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлаш Ўзбекистон Республикасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ташкил этилиб, режалар тўлиқ бажарилди.

Ўқув муассасаларининг ҳарбий қисмлар билан алоқалари ҳам яхши йўлга қўйилган. Ҳамкорлик шартномалари асосида курсантларнинг ҳарбий қисмларга ташрифлари уюштирилди. Улар ҳарбийлар ҳаёти билан танишиб, ҳарбий техникалардан фойдаланиш сирларини ўргандилар. Бундан ташқари, ёшларнинг жисмонан бақувват бўлишлари учун улар ўртасида турли спорт мусобақалари ташкиллаштирилмоқда. Уларнинг энг нуфузлиларидан бири – чақирилувчи ёшлар ўртасида ўтказиладиган ҳарбий-амалий кўпкурашдир. Бу турнинг ўзига хослиги шундаки, унда ёшлар бир вақтнинг ўзида енгил атлетика, ўқ отиш, автомобиль ҳайдаш ва сузиш каби 10 га яқин спорт амалларини бажарадилар. Бу эса спортчидан катта жисмоний тайёргарлик ва чаққонликни талаб этади.

Шу йил июль ойида Андижон шаҳрида ўсмирлар ва чақирув ёшидагилар ўртасида ҳарбий-амалий кўпкураш бўйича ўтказилган республика мусобақасида вилоят вакиллари 16 та жамоа орасида 1-ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар.

Шу йилнинг 9 ойида халқ хўжалигига мутахассислар тайёрлаш режаси 90 фоиз бажарилди. Йил якунида бу кўрсаткични 120 фоизга етказиш режалаштирилмоқда.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик ва четдан кириб келадиган турли иллатларнинг зарарли таъсирларидан муҳофаза қилишга қаратилган 200 га яқин маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ташкил этилди. "Миллий армиямиз – таянчимиз, фахримиз", "Ватанни асраш олий саодат", "Мардлар қўриқлайди Ватанни", "Гиёҳвандлик – XXI аср вабоси" мавзуларида ташкил этилаётган учрашув, давра суҳбатлари яхши самара бераётир.

"Ватанпарвар" ташкилотларида вояга етмаганлар билан ишлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. 84 нафар вояга етмаган ёшлар оталиққа олинган бўлиб, уларнинг аксарияти "Ёш мерганлар", "Ёш чегарачилар" ватанпарварлик-спорт клубларига жалб этилган.

**Абулфайз САИДАСҚАРОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

2011 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
газетасининг индекси – 205.

3 ДЕКАБРЬ – ХАЛҚАРО НОГИРОНЛАР КУНИ

## МЕҲР ВА ЭЪТИБОР ИФОДАСИ

**Ўзбекистон Давлат консерваториясида 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан хайрия тадбири бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларнинг вакиллари, имконияти чекланган кишилар таклиф этилди.**

Ўзбекистон меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ўринбосари Ш. Саидов, Ўзбекистон ногиронлар жамияти раиси А. Абдусаломов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жисмоний имконияти чекланган кишиларни кучли ижтимоий ҳимоя қилиш, тиббий, маънавий ва ижтимоий-психологик реабилитация этиш, жамиятимизга фаол интеграциялашувига кўмаклашиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун бу йўналишдаги ишларда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Юртимизда замонавий технологиялар асосида модулли протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситаларининг барча турларини ишлаб чиқариш, бу йўналишдаги марказлар фаолияти замон талабларига мос йўлга қўйилди.

Айни пайтда тиббий кўмакка муҳтож кишиларни фойдали меҳнатга жалб этиш доимий эътиборда. Жорий йилда имконияти чекланган кишилар учун касаначилик асосида 106 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилгани, салкам беш минг нафарга яқин алоҳида эҳтиёжли кишилар квоталанган иш ўринларига жойлаштирилгани бунинг яққол далилидир.

Жорий йилнинг ўтган даврида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги сиҳатгоҳлар ва оромгоҳларда 27 минг нафардан ортиқ ногирон ва кекса бепул соғломлаштирилди, реабилитация марказларида 15 минг нафар ногиронга тиббий хизмат кўрсатилди.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида инклюзив таълимни ривожлантириш, ногиронлар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, касаначиликни янада кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда турли вазирлик ва идораларнинг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва кучайтиришга оид бир қатор амалий ишлар бажарилди.

Тадбирда ногиронларга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг совғалари топширилди. Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Бундай хайрия тадбирлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ТОШКЕНТ ВОҲАСИ: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

**Қадимий Илоқ мамлакати! Мағрур ва кучли, тилсимли ва ақл бовар қилмайдиган даражада бой юрт!**

**Илоқ – Тошкент воҳасининг катта қисмини эгаллаган жануби-шарқий минтақа. Мовароуннаҳр харитасида эса Шимоли-шарқий вилоят. Ўрта аср Шарқининг тоғ-кон бойликлари тўлибтошган маркази. Бугун – Ўзбекистоннинг ёнилғи ва қурилиш ашёлари, металлургия саноатининг қатор тармоқларига минерал хом ашё етказиб берувчи энг йирик тоғ-кон саноати туманлари, шунингдек, муҳим ер ости хазиналаридан бири.**

**Буюк ипак йўлидаги машҳур ва нуфузли иқтисодий-маданий марказ бўлган Илоқ бундай шон-шуҳратга тасодифан эришмаган. Мўъжаз, аммо жуда бой бу мамлакат турли этник гуруҳ ва кўчманчи қабилалардан ташкил топган бўлиб, халқ ижодиётининг турли-туман қоришмаларини ўзида мужассамлаштирган. Бу қоришмалар ҳақиқатан ҳам мустаҳкам ва ранго-ранг, худди табиат ва ҳаётнинг ўзидек.**



# ИЛОҚНИНГ БЕБАҲО ХАЗИНАСИ

Ангрен шаҳри, Оҳангарон тумани, Олмалиқ шаҳри ва Пискент тумани, яна улкан тоғ тизимини қамраб олган Оҳангарон водийси – буларнинг ҳаммаси Илоқ. Аммо, ҳанузгача, унинг қаердан бошланиши-ю, қаерда тугашини аниқлаш мушкул. Бу мамлакатни Осиёнинг бебаҳо хазинаси, дея таърифлашни истардик. Балки, ортиқча жарангдордир. Бироқ, жаҳонга, инсониятга олтин, кумуш, турли металларнинг шундай бой захира манбаларини инъом этган ер бунга лойиқ эмасми, ахир?

Кўхисим кумуш конининг шон-шуҳрати бутун Шарққа овоза бўлди. Бу – Илоқ. Шовғоз кони олтинидан ясалган зебу-зийнатлар дунёга танилди. Бу ҳам Илоқ. Юксак санъат даражасида ясалган турли тақинчоқлар ҳамда ўткир қурол-яроқлар бой мамлакатларнинг соҳибжамол ёшлари, шунингдек, жасур ва қаҳрамон аскарлари юрагини ҳам бирдек тўлқинлантирган. Бу юрт ҳам Илоқ бўлган. Виқорли тоғлардан пастга югуриб, Арашонсой, Келинчаксой, Қизилолмасой ва яна кўплаб халққа таниш ва севимли шарқироқ сойларни ҳосил қилувчи Оҳангарон дарёси ўраб турган замин.

Бу ерда саноқсиз конлар ҳам жуда қадрли: Қизилолмасой, Намудлиғ, Кўхисим, Оқтошкон, Тўғитсой, Қоратош, Қалмоққир, Тоғберди, Шовғоз, Лашкерек, Нақпай, Туккет.

Аждодларимиз қадимий шаҳар ва конларнинг кўплаб деворлари ва тош минораларида турли расмлар – петроглифлар чизиб қолдиришган. Петроглифлар – қадимнинг ажабланарли ёзувлари бўлиб, улар ўтмиш авлодларнинг турмуш тарзи ва маданиятидан ҳикоя қилади. Уларнинг мазмуни жуда жўн кўринади. Аммо, бир қарашда шундай. Жумбоқли ва оддий, юқорига йўналган ва чўзиқ бу ёзувлар бизни гўё муқаддас белги ва рамзлар дунёсига олиб киради. Унинг марказида доимо Табиат ва унинг бетакрор вакили Инсон турган.

Эчкилар подасининг сув ичадиган жойга қандай боришиши ҳақида бир ривоят сақланиб қолган. Узоқ эгри-бугри йўлнинг поёни доимо хайрли бўлган – пода сувга қонган. Сувдан қониб симириш одамларда ҳам, бошқа жонзотларда ҳам маросим тарзида шаклланган. Тоғ чўққисидаги сув манбаида йилда бир марта айланма шохли чиройли эчки пайдо бўлган. Шунда булоқ ва қушлар бошқача куйлашган, тошлар ўзгача нафас олган.

Бутун борлиқ куч-қудратга тўлган. Зеро, тоғли халқлар фольклорида эчки энг кучли ва ақлли, йўл бошловчи ва етакчи бўлган. Бутун отар унга итоат этган. У забт этолмайдиган чўққи бўлмаган.

Урғозда эса йилда бир марта йўлбарс пайдо бўлади. Бироқ бу ернинг сувидан ичмай, Парпиота сари йўл олади. Мақсади – оқ тошлар остидан қайнаб чиқаётган муқаддас булоқ сувига қониш.

Илокда афсона ҳам, унинг тури ҳам кўп. Табиатнинг бу бетакрор гиламига ҳаётнинг ўзи нозик ва гўзал нақшлар битган. Бу гўзалликни асраш зарур. Шуни назарда тутиб, вилоят "Олтин мерос" жамғармаси, вилоят педагогика институти ўлкашунослик ҳаракати вакиллари бирлашиш ва Оҳангарон водийсидаги қадимий ёдгорликларни муҳофаза этиш ва асрашга қарор қилдилар.

Бу – жуда маъқул саъйҳаракат. Жумладан, профессор, ўлкашунос Исомиддин Ёрматов, тарихчи-археолог, тарих кафедраси ўқитувчиси Константин Крахмаль, мактаб ўқитувчиси Мамасоли Тўхтаев ва бошқа фидойилар ўлкамизнинг қадимий ёдгорликларини кўз қорачиғидек асрашга тайёр.

Шу маънода айтиш жоизки, Қизилолмасой – ҳудуддаги энг "касал" жой. Бугун бу ерда емирилиш юз бераяпти. Биз бу нохушликнинг олдини олишимиз мумкин. Бунинг учун ўз заминини севадиган, ардоқлайдиган одамлар ёрдам қўлини чўзишлари керак. Қизилолмасойсиз, унинг ноёб петроглифлари ва улкан тошларисиз Илоқ кемтик бўлиб қолади. Туккет ёки Суйритепа ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Илоқ ўз тилсимларини ҳали тўлиқ очгани йўқ бизга. Аммо, ишонамизки, у ўз олами ҳақида, албатта, ҳикоя қилиб беради. Бунинг учун аввало ўзимиз бу ишончни чин меҳримиз ва виждонимиз билан оқламоғимиз зарур.

**Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,**
**халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси.**

## БИЛАСИЗМИ?

# ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

**Турли касалликларни даволашда шифобахш ўсимликлардан тайёрланаётган дори-дармонлар салмоқли ўрин тутади. Масалан, кардиовален – юрак касалликларини даволашда қўлланиладиган сифатли дорилардан бўлиб, у дўлана, асарун (валерианка), сариқгул (адонис) ва бошқа бир қанча ўсимликлардан тайёрланадиган мураккаб бирикма. Ҳозирги вақтда тиббиётда ишлатиладиган 900 хилдан ортиқроқ дори-дармонларнинг учдан бир қисми доривор ўсимликларнинг маҳсули ҳисобланади. Юрак касалликларини даволашда фойдаланиладиган дориларнинг 77, жигар ва ошқозон-ичак йўлларида учрайдиган касалликларни даволайдиган дориларнинг 74, бачадон касалликларига қарши ишлатиладиган дориларнинг 80 фоизи шифобахш гиёҳлардан тайёрланади.**

**ЧОЙЎТ** – чойўтдошлар оиласига қирувчи, бўйи 75 см.гача бўлган кўп йиллик ўт. Барги тухумсимон, тўпгуллари чўткасимон ёки юмалоқ-тухумсимон шаклда бўлади. У адир ва тоғ ёнбағирларида, турли шароитга мослашган ҳолда учрайди. Май-августда гуллайди, июль-сентябрда эса уруғи пишади. Чойўтнинг шифобахшлиги жуда қадимдан маълум. Шу сабабли халқимиз "чойўт 99 дарднинг давоси" дейди. Унинг ер устки қисмидан жигар, ошқозон, шамоллаш каби касалликларни даволашда, ҳамда буриштирувчи ва сийдик ҳайдовчи восита ва бўёқ сифатида фойдаланганлар. Бу ўсимликнинг барги, новда ва тўпгуллари, айниқса гуллаш даврида дори-дармонлик хусусиятига эга бўлиб, улардан тиббиётда ошқозон-ичак, жигар, йўтал, яра, зотилжам касалликларини даволашда, қон кетишини тўхтатишда фойдаланилади. Чойўтдан антибактериал хусусиятга эга бўлган иманин ҳамда оқсилли гиптальбин тайёрланади. У шикастланган тўқимани тиклайди. Баъзи маълумотларга қараганда, чойўтдан олинган шарбат вена қон томирига юборилса, у юрак фаолиятини ва қон босимини яхшилайди, иштаҳани очади, ошқозон-ичак ишини тартибга солади.

**БЕШБАРГ** – раънogулдошлар оиласига оид бўлган, ётиб ўсувчи кўп йиллик ўт. Пояси ингичка, туксиз ёки сийрак тукчали бўлиб, ётиб ўсиб, поя бўғинларидан илдиз чиқаради. Илдизолди барглари узун бандли, ўткир, яхлит қирғоқли, панжасимон, 5-7 баргчали бўлади. Мевалари тухумсимон силлиқ ва туксиз. Бешбарг май-август ойларида гуллайди ва уруғлайди. У республиканинг текислик қисмидан тортиб, тоғларнинг ўрта қисмигача бўлган деярли барча зах жойларда, ариқ атрофларида, дарё соҳилларида, ўтлоқларда учрайди.

Халқ табобатида бешбарг илдизидан тайёрланган қайнатма ёки қиём қон кетишини тўхтатувчи, оғиз бўшлиғида содир бўлган жароҳатларни даволовчи восита ҳисобланади.

Бешбаргда 5,8-11,5 фоиз танид, 16 фоизгача қанд, органик кислоталар, глюкозид ҳамда С витамини бор.

# КУРАШ – ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ДАСТУРИДА

**Халқаро кураш ассоциацияси бош қароргоҳида оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда ўзбек курашининг кейинги Осиё ўйинлари дастуридан расмий спорт тури сифатида ўрин олганлиги эътироф этилди.**

Олимпия қўмитаси режасига кўра, 2014 йилги Осиё ўйинларида кураш мусобақалари бўлиб ўтади. Шунингдек, 13-18 декабрь кунлари Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида бўлиб ўтадиган 20 ёшгача бўлган полвонлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатига тайёргарлик борасида ҳам фикр алмашилди.

Бундан роппа-роса 8 йил муқаддам – 2002 йил Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларида кураш бўйича кўргазмали чиқишлар намойиш этилган эди. Якунланган 16-Осиё ўйинларида эса Халқаро кураш ассоциацияси раҳбарияти унинг тантанали қисмига меҳмон сифатида таклиф қилинди. Бевосита шу ернинг ўзида Осиё олимпия кенгаши раҳбари ҳамда Халқаро Олимпия қўмитаси вакиллари расмий учрашув ўтказишди.

Анжуманда 2014 йили ташкил этиладиган 17-Осиё ўйинлари дастуридан курашнинг расман ўрин олганини Шайх Аҳмад Ал-Фаҳад Ас Сабаҳ алоҳида таъкидлади.

**Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.**

# ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

**Пойтахтимизда гандбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг биринчи тур ўйинлари бўлиб ўтди.**

Эркаклар ўртасидаги баҳсларда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти вакиллари "Ёшлик" жамоасидан 50:46, Андижон олимпия захиралари коллежи гандболчиларидан 46:29 ҳисобида устун келди ҳамда "ОТМК" (Олмалиқ) жамоасига 38:43 ҳисобида имкониятни бой берди. "ОТМК" жамоаси Урганч олимпия захиралари коллежига қарши кечган учрашувда 39:27 ҳисобида ғалаба қозонди.

Хотин-қизлар ўртасида "Алгоритм" (Тошкент) ва "ОТМК" (Олмалиқ) жамоалари саккиз очко билан пешқадамлик қилмоқда. Пойтахтлик гандболчилар Урганч олимпия захиралари коллежи вакилларини 36:17, Жиззах олимпия захиралари коллежи жамоасини 40:17, Андижон олимпия захиралари коллежи қизларини 41:24, "Сирдарё" (Сирдарё) жамоасини 39:24 ҳисобида мағлубиятга учратди.

"ОТМК" жамоаси Андижон олимпия захиралари коллежи қизларини 45:23, Жиззах олимпия захиралари коллежи жамоасини 51:17, сирдарёлик гандболчиларни 40:21, Урганч олимпия захиралари коллежи вакилларини 45:15 ҳисобида енгди.

**ЎзА.**

## ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

# ОТАМ БЎЛГАНДА ЭДИ...

Шифохонада бир оғир беморимнинг касаллик тарихини таҳлил қилиб ўтиргандим. Қабулхонада ғалағовур бошланиб, хонамнинг эшиги зарб билан очилди:

– Мана бу Юсуфжон менинг ўқувчим, ўзим ўқитганман буни. Қабулига рухсат сўраб кирармишман-а. Қайси устоз шогирдидан изн сўраб қабулига кирган, тўғрими, Юсуфжон? – деб мен билан қуюқ сўрашди.

Ҳа, бу киши бир пайтлар менинг устозим бўлган Толиб ака, географиядан билим берган.

Устозим бир нарсаларни менга тушунтираяпти-ю, йигирма уч йил аввалги воқеага хаёлим кетди. Буни умрбод эсимдан чиқара олмасам керак.

Биринчи синфда ўқиб юрган кезларимда отам автоҳалокат туфайли бу дунёдан кўз юмди. Ўшанда ҳали саккиз ёшга ҳам тўлмагандим. Укам уч ёшда эди. Ота меҳрига тўймаган бўлсамда, уларнинг эркалашларини ҳис қилганман. Укам эса бу бахтдан ҳам мосуво эди. Ёш бўлганим учун отамнинг вафоти тез эсимдан чиқди. Икки йил отасиз яшаган бўлсам-да, бу қанчалик оғир эканлигини тушунмаганман.

Аниқ эсимда, тўртинчи синфда ўқишни бошлаган эдик. Ўша даврлар онам олиб берган ҳар бир кийим мен учун жуда қадрли эди. Чунки оилада бир киши ишлаб, рўзғор тебратиши мушкул. Укам иккаламиз "ейман-ичаман" деган пайтимиз. Онам рўзғордан тежаб, укам икковимизга ҳар йили мактаблик кийим-кечак қилиб берарди. Шу устбошни йил охиригача авайлаб етказардик.

Ўша йили ҳам уч ойлик



таътилдан кейин янги кийимда мактабга отландим. Биринчи қўнғироқ чалинди, ҳамма синфга кирди. Ўқитувчимиз негадир кечикди. Синфимизда Жамшид деган бола ўқирди. Унинг отаси ички ишлар идорасида терговчи бўлиб ишларди. Ҳаммадан ўзини юқори тутадиган бу боладан синфимизнинг ярмидан кўпи жабрланган десам хато қилмасам керак. Ўша куни мени навбатим экан, шекилли. Жамшиднинг шумлиги тутиб, пол латтани менга қараб отди. Онам олиб берган оппоқ кўйлак пол латтанинг "зарби"дан қора кўйлакка айланди. Жаҳлим чиқиб, у билан муштлашиб кетдим. Қанча олишганим эсимда йўқ. Бир маҳал мана шу устозим бизни ажратди. Икковимиз ҳам бир-биримизнинг калтагимиздан ҳўнграб йиғлаб турардик. Шу пайт Толиб ака Жамшидга "Бор жойингга ўтир" деди-ю, "Сен етимча, ким билан уришдинг", дея менга бир шапалоқ тортиб юборди. "Отасига айтиб берса, умринг қамоқда чирийди, бу кетишингда катта бўлсанг, ўғри бўласан ёки фаррошликдан бошқасига ярамайсан", деганда унинг ҳақоратига чидаёлмай, "ўзинг ўғри бўласан" деб юборибман. Шунда у кўйлагимдан ушлаб мени силталай кетди. Энди кўйлагим чок-чокидан йиртилиб, яроқсиз ҳолга келди. Ўшанда мен отасиз эканлигимни, етимлигимни англадим. Балки, менинг ҳам отам ҳаёт бўлганида, бу одам аввал ким ҳақ-у, ким ноҳақлигини сўрармиди?

Ўша заҳоти уйга қараб югурдим. Ётоғимга кириб ҳўнграб йиғладим. Жамшидни ургани эмас, устозимизнинг ноҳақлиги мурғак юрагимни тирнаган эди. Икки кун мактабга бормадим. Мана шу қисқа вақт ичида болаликнинг шўх онлари мени тарк этди. Фарзанди сифатида эркалайдиган, шўхликларимни кўтарадиган, ўқиш ва ишда суянчиғим бўладиган отам йўқ эканлигини тушундим. Ёш бўлсам-да, қалбан улғайдим. Шундагина отанинг қадрини тўлиқ ҳис этдим.

Онамга бу воқеа ҳақида айтмадим. "Мактабга бормайман, сизга қарашаман, пул топаман" десам, онам "Сен ўқигин, катта шифокор, жарроҳ бўлишинг керак, отанг раҳматли сенга шундай дер эди", деб мени фикримдан қайтардилар.

Бу дунёда оқ-у, қорани фарқига борадиган, яхши устозлар ҳам кўп экан. Ўшалар менинг ҳаракатимни қўллашди. Тиббиёт институтига тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, микрожарроҳлик касбини мукаммал эгалладим.

Ҳозир ёнимда "кўзимни бир текшириб қўйигин" деб турган устозим бу воқеани аллақачон эсдан чиқариб юборгандир.

Балки, мени бундай даражага эришишимга шу сабабчидир.

Нима бўлганда ҳам беморларни даволаш менинг вазифам.

**Гўзал ТОШМАТОВА.**

# ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

*Мутахассисларнинг аниқлашича, бир кунда 100 г. аччиқ шоколад истеъмол қилиб турилса, одам умрини 6 йилга узайтиради. Юрак-қон-томир касалликларининг олдини олади. Бундан ташқари, бир кунлик таомномангизда 7 хил маҳсулот: балиқ, мева, сабзавотлар, зайтун ёғи, дуккакли, бошоқли донлар, бодом ва саримсоқ бўлиши керак. Улар ҳар хил касалликлар ва ташқи зарарли таъсирлардан асрайди.*

• • •

*Жуда кир бўлиб кетган кийимларни тозалаш учун сирка қўшилган совунли сувга 5 дақиқа ботириб қўйиш керак.*

• • •

*Шўрва шўр бўлиб қолган бўлса, унга битта тухумни чақиб солинг. Тухум тузни ўзига тортиб олади.*

• • •

*Раковинадан сув яхши кетмай қолса, 2 ош қошиқ туз ва 2 ош қошиқ истеъмол содасини аралаштириб сепиб қўйинг. Ярим соатдан кейин устидан қайноқ сув қуясиз. Бу тиқилиб қолган раковинани тозалашнинг энг осон усули.*

• • •

*Олимлар чой модда алмашинуви, танадаги ёғнинг эриш жараёнини тезлаштиришини аниқлашди. Чойнинг кайфиятни кўтарадиган, чарчоқни чиқарадиган хусусияти ҳаммага маълум. Лекин у озмоқчи бўлганлар учун жуда фойдали эканлигини ҳамма ҳам билавермайди. Агар чойга цитрус мева, олма, занжабил қўшиб ичилса, янада фойдали бўлади.*

## БЕКАЖОН

# САБЗАВОТЛИ САЛАТ

**Масаллиқ:** 5 та картошка, 200 г. карам, 1 та бодринг, 2 ош қошиқ ўсимлик мойи, 3 фоизли сирка, кўкат, шакар, туз.

**Тайёрлаш:** картошка пиширилиб, совутилади, арчилади ва майда қилиб тўғралади. Карамни тўғраб, туз сепиб, суви ажралиб чиққунча эзилади. Сўнгра сирка, шакар, туз аралашмаси қуйилади ва аралаштирилади. Салат идиш ўртасига картошка уйиб қўйилади, устидан майда қилиб тўғралган укроп сепилади. Икки томонига карам ва паррак қилиб тўғралган тузланган бодринг уйиб солиб, устидан ўсимлик мойи қуйилади.

# НЎХАТЛИ САЛАТ

**Масаллиқ:** 5 та картошка, 200 г. гулкарам, 300 г. қўзоқли ловия, 200 г. майонез, 100 г. кўк нўхат, 1 та бодринг, 3 та помидор, 2 та кўк қалампир, янчилган қора мурч, таъбига қараб туз.

**Тайёрлаш:** картошка, гулкарам, қўзоқли ловия тузли сувда пиширилади. Картошка ва гулкарам тўғралади, ловия, консерваланган ёки пиширилган кўк нўхат билан аралаштирилади. Майонез, таъмига қараб туз ва мурч қўшилади. Салат паррак қилиб тўғралган барра бодринг, помидор ва кўк қалампир билан безатилади.

## РАССОМ ХАНДАСИ




## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

# ПЛАСТИК КАРТА ҚАЧОН ИХТИРО ҚИЛИНГАН?



Ҳаётимизда, кундалик савдо-тижорат ишларида "электрон кармон" – пластик карталар тобора кенг ўрин олиб бораяпти. Бугун иш ҳақи, коммунал тўловлар, маҳсулот харид қилиш ва бошқа хизматлар учун ҳисоб-китоб операцияларини улар орқали амалга ошириш одатий ҳол бўлиб қолди. Пластик карталар молиявий-иқтисодий муносабатларда тобора кенг ўрин эгаллаб бораяпти.

Табиийки, ниҳоятда қулай бу ҳисоб-китоб усули қай тариқа шаклланганлиги кўпчиликни қизиқтиради. Уни яратиш ва муомалага киритишнинг ўзига яраша тарихи бор.

Шундай карталар воситасида кундалик ҳисоб-китоб ва ҳақ тўлаш мумкинлиги ғоясини дастлаб таниқли молияшунос ва иқтисодчи Эдуард Беллам асослаб берган. Олим ўз нуқтаи назарларини 1886 йили батафсил баён этган.

1914 йилга келиб, машҳур Mobil Oil фирмаси шундай карталар ёрдамида ҳисоб-китоб қилишни йўлга қўя олди. Нефть маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи бу корхона фирмалар билан ҳисоб-китоб ва бошқа тижорат операцияларида карталардан фойдалана бошлади.

Дастлабки тижорат карталари оддий картон қоғоз бўлакларидан тайёрланарди. Рақамлар махсус жойга тартиб билан ёзиб қўйиларди.

Қизиғи шундаки, бу картон бўлакчалари нефть олди-сотди шартномасини расмийлаштириш чоғида муҳим ҳужжат бўлди. Фирма шу карталар воситасида мижозларини сақлаб қолиш, янги мижозлар орттиришга ҳаракат қиларди.

Тўлов карталари такомиллаштириб борилди. Кўп вақт ўтмай улардан доимий тижорат ҳужжати сифатида фойдаланиш ғояси туғилди. Лекин оддий картон бўлакчалари бу талабга жавоб бермас, яроқсиз бўлиб қолганди. Уларни бошқа материалдан тайёрлаш зарурияти туғилди.

1928 йили Бостондаги Manufacturing компанияси биринчи марта металл карталар ишлаб чиқара бошлади. Улар фақатгина шу компаниянинг мансабдор ва ишончли ходимларига берилган.

Металл пластинкалардан тайёрланган бу карталар махсус машина-импринтерга қўйилиб, картадаги маълумотлар тижорат чекига туширилган. Бу усул ҳозиргача ўзгармай сақланиб қолган.

Кейинчалик карталар тайёрлаш оммавий тус ола бошлади. Улар орасида "бензин" карталари ғоятда кенг оммалашиб кетди. Турли ранг ва ўлчамда тайёрланган бу карталар ҳар хил фирмаларга тегишли бўлиб, саноатчи-тижоратчилар улар воситасида мижозларни ўзларига оғдиришга интилишган.

Лекин металл бўлакчаларидан тайёрланган карталар ҳам тобора ортиб бораётган талабларга жавоб бермай қўйди. Ишбилармонлар металл ўрнини босувчи янги турдаги материални яратиш лозимлигини англаб етишди.

Нақд пул ўрнини босувчи карталарни яратиш устидаги изланишлар тинимсиз давом этди. Унга қўйиладиган талаблар ўзгариб, кучайиб борди. Аввало, карталар ясаш учун ишлатиладиган материал енгил, лекин мустаҳкам бўлиши, мижозлар учун қулайлик туғдириши, ундан турли вазият ва шароитларда ҳам беистисно, керагича фойдаланиш имкониятини бериши, унга идентификация маълумотларини бемалол жойлаштириш мумкин бўлиши лозим эди.

Ниҳоят, картон қоғоз ва металл ўрнини пластик материал эгаллади. Дастлаб бундай материални тайёрлаш учун полиэфирлардан фойдаланилди. Лекин бу ҳам кутилган натижани бермади. Кейинроқ полихлорвинил устида тажрибалар ўтказилди. Пировардида дунёнинг турли мамлакатларида олимлар олиб борган тинимсиз изланишлар ўз самарасини берди. 60-йилларнинг бошларида илк магнит изли пластик карталар муомалада пайдо бўлди.

Орадан ўн йил ўтиб, 1975 йили электрон хотирали пластик карталар яратилди. Унинг муаллифи француз олими Ролан Моренодир.

Микропроцессорли карталарни ишлаб чиқариш учун яна ўн йиллик тинимсиз изланиш босқичидан ўтишга тўғри келди. Франциянинг Булл компанияси шундай пластик карталарни тайёрлаб, бунинг учун муаллифлик патенти олди. Шундан кейин кўплаб мамлакатларда банклар шу усулдаги пластик карталарни ишлаб чиқара бошлади.

**Интернет материаллари асосида Жўрабек МУРОДОВ тайёрлади.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Абулфайз САИДАСҚАРОВ
Навбатчи Шоҳруҳ ҲАКИМОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1140. Адади 5282. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.30. 12( 5